

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

АЛЛАБЕРГАНОВА ГУЛЧЕҲРА МАШАРИПОВНА

**РАДИАЦИОН ИФЛОСЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЭКОТИЗИМГА ТЕХНОГЕН ТАЪСИРИ
КАТТАЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy(PhD)

Аллаберганова Гулчехра Машариповна

Радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш факторлари ва уларнинг

экологизимга техноген таъсири катталикларини

баҳолаш..... 3

Аллаберганова Гулчехра Машариповна

Оценка величин факторов радиационно-загрязненных производств и

их техногенного влияния на

экосистему..... 21

Allaberganova Gulchehra Masharipovna

Evaluation of radiation-expression factors and their impact on

ecosystems..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

АЛЛАБЕРГАНОВА ГУЛЧЕҲРА МАШАРИПОВНА

**РАДИАЦИОН ИФЛОСЛАНГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЭКОТИЗИМГА ТЕХНОГЕН ТАЪСИРИ
КАТТАЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/К253 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация иши Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий давлат кончилик институтид абажарилган.

Диссертация автореферати 3тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.tkti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туробжонов Садриддин Махаммадинович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Бухоро муҳандислик-технология институти


Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг «28» 29 2020 йил соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).


Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин № _____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Навоий кўчаси 32 - уй, Тошкент кимё – технология институти. Тел. (+99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 29 кuni тарқатилди.
(2020 йил «18» 29 даги 8 рақамли реестр баённомаси)




Х.Л. Пулатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент


Ф.Б. Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, PhD


К.Г. Мухамедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ер қаъридаги захиралари тез суръатлар билан камайиб бораётган энергия ташувчилари истеъмолига талаб ошиб бормоқда. Ер қаърида катта захирага эга бўлган энергия ташувчи ҳисобланган ва келажакда қўлланилиши истиқболли, ядро ёқилғиси олиш учун ишлатиладиган стратегик маҳсулот асосини ташкил қилган - радиофаол уран кимёвий элементи бўлиб ҳисобланади. Бу элементни олиш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жараёнлари назоратида замонавий самарали усулларидадан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, радиацион назоратнинг ишончлилигини ошириш ва уран ишлаб чиқариш жараёнини атроф-муҳитга техноген таъсирини камайтириш бўйича тегишли илмий ечимларни асослаш: техноген объектларнинг радиацион омиллари катталикларини баҳолаш учун радиометрик усуллар мажмуасини такомиллаштириш ва қўллаш; техноген объектларда гамма-нурланишнинг экспозицион доза куввати – ЭДҚ қийматини таҳлил қилиш натижасида уран ишлаб чиқариш саноати радиоэкологик ҳолатини назорат қилиш имкониятларини тадқиқ қилиш; табиий жараёнларда радиофаоллик мувозанат коэффиценти– $K_{рм}$ бузилиши механизмини очиш мақсадида, техноген таъсирланган ер ости сувларида ураннинг табиий изотоплари (^{234}U , ^{235}U , ^{238}U)ни аниқлашнинг ўта сезгир альфа-спектрометрик услубини такомиллаштириш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қазиб олинadиган ураннинг бутун геотехнологик жараёни ва қайта ишлашдаги гидрометаллургик жараёни, иқтисодий самарадор ва экологик хавфсиз технологияларни қўллаш зарурлиги бўйича маълум бир назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш факторлари ва уларнинг экотизимга техноген таъсири катталикларини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7-февралдаги ПҚ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 23-августдаги ПҚ-3236-сонли «2017 – 2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача атроф-муҳит муҳофазаси концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётлар таҳлилидан кўринадики, радиацион-ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга таъсирини баҳолаш масалалари бўйича Yu.Odum, A.H.Sparrow, G.M.Vudvell, S. Rassel, J. Sahnells, C.U.Ayerbax, G.V.Bleylok, S.S. Shvarts, J.M. Anderson, R.Riklefs, Л.П. Рихванов, В.Н. Мясоедов, А.М. Кузин, А.А. Передельский, В.М. Клечковский, Н.В. Тимофеев-Рисовский, Ф.А. Тихомиров, Р.М. Алексахин, Ю.Б. Искандаров, Т.М. Мўминов, А.А. Кист, Р.А. Қулматов, С.М. Туробжонов, Г.С. Саттаров ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Аммо уранни ер остида танлаб эритиш майдонларидаги радиацион омиллар ва саноат чиқиндилари омборхоналари (хвостохранилища)даги уран таркибли чиқиндилар, ер ости сувларининг радиофаол элементлар билан ифлосланиши эҳтимоллиги, радионуклидлар билан ифлосланган уранни ер остида танлаб эритиш майдонларини қайта тиклаш (рекультивация), табиий сувларда солиштирма $\sum\alpha$ ва $\sum\beta$ -фаоллик, ер ости сувларида $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффициентининг $-K_{\text{рм}}$ бузилиши, техноген объектларда гамма-нурланишнинг экспозицион дозаси куввати-ЭДҚ ўзгариши, узоқ яшовчи альфа нуклидлар концентрацияси-УЯАН, радоннинг мувозанатдаги ҳажмий активлигига эквивалент қиймати-РМҲАЭҚ, тадқиқот усуллари ва радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омилларининг мажмуавий мониторинги танланган тадқиқот объекти учун амалга оширилмаган.

Ер ости сувларида $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ уран изотопларининг орасидаги радиофаол мувозанат коэффициентининг $-K_{\text{рм}}$ бузилиши сабаблари, ҳамда солиштирма $\sum\alpha$ -фаолликнинг ^{234}U изотопи миқдорига ва солиштирма $\sum\beta$ -фаолликнинг K^{40} изотопи миқдорига боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий кон-металлургия комбинатининг ва Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-13-113 «Ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик чиқиндилардан ноёб (нодир) металлларни ажратиб олиш жараёнини назорат қилишининг ядро-физик усуллари ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй), ГНТП-7 «Навоий ҳудудининг табиий-техноген ҳолатини тадқиқ қилиш ва табиий йўналишлар

талабаларини ўқитишда интерфаол усулларни ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй), ВА-12-011 «Нодир ер металлари тезкор тозалаш-ажратиб олиш жараёнларида паст сортли фосфоритлардан юқори сифатли кимёвий тоза аммоний фосфат ва кальцийни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018йй) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш факторлари ва уларнинг экотизимга техноген таъсири катталикларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табiiй ва техноген объектларда кимёвий, радиокимёвий, ядро-кимёвий ва инструментал радиацион таҳлил усулларининг методик ва метрологик характеристикаларини тадқиқ қилиш;

техноген объектларнинг радиацион омиллари катталикларини баҳолаш учун радиометрик усуллар мажмуасини такомиллаштириш ва қўллаш;

кимёвий элементларнинг радионуклидлари - ^{40}K , ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra , ^{222}Rn тарқалиши ва химизмини ўрганиш асосида ер ости сувларининг ифлосланиши даражасини олдиндан айтиш мақсадида уларнинг саноат оқава сувларидаги миграция ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаш;

радионуклидлар - ^{40}K , ^{238}U , ^{235}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra билан ифлосланган уранни ер остида танлаб эритиш майдонларини қайта тиклаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва бериш;

табiiй жараёнларда радиофаоллик мувозанат коэффициенти— $K_{\text{рм}}$ бузилиши механизмини очиш мақсадида, техноген таъсирланган ер ости сувларида ураннинг табiiй изотоплари (^{234}U , ^{235}U , ^{238}U)ни аниқлашнинг ўта сезгир альфа-спектрометрик услубини такомиллаштириш ва амалиётда тадбиқ қилиш;

солиштирма йиғинди альфа-фаолликнинг ^{234}U изотопи миқдорига ва солиштирма йиғинди бета-фаолликнинг K^{40} изотопи миқдорига боғлиқлигини ўрнатиш ва тадқиқ қилиш;

техноген объектларда гамма-нурланишнинг экспозицион доза куввати — ЭДҚ қийматини таҳлил қилиш натижасида уран ишлаб чиқариш саноати радиоэкологик ҳолатини назорат қилиш имкониятларини тадқиқ қилиш;

локал ифлосланган майдонлар ҳудудини аниқлаш мақсадида узоқ яшовчи альфа нуклидлар-УЯАН ва радоннинг мувозанатдаги ҳажмий активлигига эквивалент қиймати-РМХАЭҚ катталикларини аниқлашнинг радиометрик таҳлил усулини такомиллаштириш ва қўллаш;

олинган маълумотлар асосида ишчи ходимларнинг олган йиллик эффектив дозаси миқдорини камайтириш бўйича тавсиялар бериш ва ишчи ходимларни ўз вақтида ротация қилиш.

Тадқиқотнинг объекти радиацион ифлосланган техноген объектлар, саноат оқава сувлари, корхонанинг уран таркибли чиқиндилари, технологик эритмалар, балансдан ташқаридаги рудалар, экотизим намуналари (тупрок, сув, ҳаво) ва кузатув қудуқларидан олинган ер ости сувлари намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети радиацион ифлосланган ишлаб чиқаришнинг радиокимёвий, ядро-кимёвий ва радиоэкологик омилларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида радиометрия, рентгенофлуоресценция, дозиметрия, альфа, бета, гамма ва масс-спектрометрия каби аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

объектларнинг радиацион ифлосланиши даражасини белгиловчи кимёвий элементлар радионуклидларининг- ^{40}K , ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва ^{222}Rn миқдорлари ифлосланган тупроқларда, саноат оқава сувларида ва ер ости сувларида аниқланган;

^{238}U , ^{235}U , ^{234}U , ^{232}Th ва ^{226}Ra – радионуклидлари билан ифлосланган уранни ер остида танлаб эритиш майдонлари тупроқларининг солиштирма эффектив фаоллигини ўрнатилган миқдоргача (1200 Бк/кг) тозалаш асосида қўшимча уран олувчи рекультивациянинг янги услуби ишлаб чиқилган;

сувларнинг истеъмолга яроқлилигини баҳолашда - иштирок даражасини белгиловчи солиштирма альфа-фаолликнинг ^{234}U изотопи миқдorigа бета-фаолликнинг ^{40}K изотопи миқдorigа боғлиқлиги аниқланган;

ер ости сувларининг изотоп таркибини α -спектрометрик таҳлил усули асосида $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффицентининг- $K_{\text{рм}}$ (53,41 мкг/г) бузилиши аниқланган;

ер ости сувларида ^{222}Rn радионуклидининг ичимлик сувлари сифатини баҳоловчи дегазация вақти аниқланган;

объектларнинг радиацион ифлосланиш даражасини кўрсатувчи экспозицион доза ўртача қийматининг аҳоли, аҳолининг маълум қисми ва ишчи-ходимлар учун йиллик эффектив дозага боғлиқлик графиги яратилган;

олинган ишончли маълумотлар асосида йиллик эффектив дозаси қиймати ва ишчи-ходимларни ўз вақтида ротация қилиш имконияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга техноген таъсири катталикларини баҳолашда такомиллаштирилган радиометрик, рентгенофлуорцент, α , β , γ - спектрометрик ва дозиметрик таҳлил усуллари яратилган;

кимёвий элементлар радионуклидлари - ^{40}K , ^{238}U , ^{235}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва ^{222}Rn қаттиқ намуналарда, ер ости ва саноат оқава сувларидаги миқдорлари, бу сувларда солиштирма $\sum\alpha$ ва $\sum\beta$ -фаоллик, табиий сувлардаги (^{234}U , ^{235}U , ^{238}U) изотоплар таркиби, $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффицентини - $K_{\text{рм}}$ бузилиши, солиштирма $A_{\text{эфф}}$ - эффектив фаоллик ва ЭДК, УЯАН, РМХАЭЖ аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълум ҳажмдаги назарий ва лаборатория тадқиқотлари натижаларининг олинганлиги, замонавий усуллар ва ўлчаш асбобларининг қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган усулларнинг халқаро стандарт намуналари билан солиштирилганлиги, параллел таҳлиллар

ўтказилганлиги ва ҳар хил тадқиқотчилар ва лабораториялар натижаларининг ўзаро солиштирилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атроф- муҳитга радиацион таъсирлар катталигини баҳолашда техноген объектларда радиацион омилларни аниқловчи такомиллаштирилган α , β , γ - радиометрик усулларнинг қўлланилиши, кимёвий элементлар радионуклидлари ^{40}K , ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва ^{222}Rn хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида, атроф-муҳитни ва ишчи- ходимларни зарарли ионлаштирувчи нурланиш таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш мақсадида, урани ер остида танлаб эритиш майдонларида рекультивациянинг янги камхарж усули, техноген объектларда $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат коэффициенти- $K_{\text{рм}}$ бузилиши сабабларини очишга асос бўлади.;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сувларнинг истеъмолга яроқлиги даражасини белгиловчи $\Sigma\alpha$ - фаолликнинг ^{234}U изотопи микдорига ва $\Sigma\beta$ -фаолликнинг ^{40}K изотопи микдорига боғлиқлигини, ер ости сувлари ва атроф-муҳитнинг ифлосланиш катталигини олдиндан айтиш мақсадида, радиофаол элементлар радионуклидларнинг- ^{40}K , ^{238}U , ^{235}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва ^{222}Rn бу объектларда тарқалиш химизми ва уларнинг миграция қонуниятларини, урани ер остида танлаб эритиш майдонларини рекультивация қилиш ва ер ресурслардан оқилона фойдаланишга имкон берувчи тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга техноген таъсири катталикларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

радиофаол элементлар радионуклидлари - ^{40}K , ^{238}U , ^{235}U , ^{234}U , ^{232}Th ва ^{226}Ra катталикларини баҳолаш ва уларни капитал камхарж рекультивация қилиш усули НКМКда амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонасининг 2020 йил 24 февралдаги №02-06-07/2389 маълумотномаси). Натижада капитал камхарж усулда маълум микдорда металл олиш ва радиацион ифлосланган тупроқларни радионуклидлардан тозалаш имконини берган;

табiiй, ер ости ва саноат оқава сувларидаги солиштирма $\Sigma\alpha$ ва $\Sigma\beta$ - фаолликларини аниқлаш методикаси НКМКда амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонасининг 2019 йил 19 ноябрдаги №02-06-04/14659-сон маълумотномаси.). Натижада табiiй, ер ости ва саноат оқава сувларини дастлабки баҳолаш асосида, уран ишлаб чиқаришнинг шу сувлар ҳолатларига техноген таъсири катталигини баҳолаш имкониятини берган;

ер ости сувлари намуналарининг изотоп таркибини ^{234}U , ^{235}U , ^{238}U α -спектрометрик таҳлил қилиш усули Навоий вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонасининг 2019 йил 19 ноябрдаги №02-06-04/14659-сон маълумотномаси.). Натижада уран изотоплари

орасидаги радиоактив мувозанатнинг бузилиш коэффициенти ва табиий сувларнинг солиштирма фаоллиги ошиши сабаблари топилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Илмий иш тузилмаси ва ҳажми. Диссертация таркиби - кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, зарурати, мақсади ва тадқиқот усуллари, тадқиқот объектлари, тадқиқот предмети, Республикадаги фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг амалиётга тадбиқи, чоп этилган илмий ишларва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга техноген таъсири таҳлили усуллариининг классификацияси ва замонавий ҳолати”** радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг экотизимга техноген таъсирлари катталикларини баҳолашнинг аналитик, радиокимёвий, ядро-кимёвий ва радиоэкологик таҳлил усуллариининг умумий классификацияси ва ҳолати кўриб чиқилган.

Радиометрик анализ усулининг назарий асослари, α , β ва γ - спектрометрик таҳлилларни олиб бориш босқичлари, ҳар хил кимёвий, физик-кимёвий ва ядро-кимёвий усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари муфассал таърифланган ва келтирилган. Адабиётларда берилган маълумотлар асосида ҳар хил кимёвий, радиокимёвий ва ядро-кимёвий таҳлил усулининг қўлланилиши даражаси баҳоланди.


Диссертациянинг иккинчи **“Радионуклидлар билан ифлосланган тупроқларда рекультивация ўтказиш жараёнининг назарий асослари ва амалий усуллари”** бобида радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш корхоналарининг радиоэкологик ҳолати, уларни кузатиш усуллари ва улардаги экологик ҳолатни яхшилаш йўллари кўриб чиқилган. Ишлаб чиқариш фаолияти туфайли радиацион ифлосланган ерларнинг рекультивацияси (қайта тиклаш) санитар қоида ва меъёр СанҚ ва М №0078-

98 (қазиб олиш ва қайта ишлаш объектларини тугатиш, консервациялаш ва қайта мослаштириш) талабларига мос ҳолда олиб борилади.

Рекультивация асосида - ^{238}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{232}Th , ^{226}Ra каби радионуклидлар билан ифлосланган тупроқларни кимёвий реагентлар билан тозалаш ва улардаги радионуклидларни кимёвий танлаб эритиш ётади.

Уран емирилиш занжиридаги турли радионуклидлар ^{238}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{232}Th ва ^{226}Ra билан ифлосланган урани ер остида танлаб эритиш майдонларидаги тупроқларни дезактивация (рекультивация) қилиш талаб этилади. Радионуклидлар билан ифлосланган тупроқларни рекультивация қилишнинг классик усулида, ифлосланган тупроқ қатлами механик усулда олиниб, махсус техникалар ёрдамида радиофаол моддалар учун ажратилган полигонга ёки саноат чиқиндилари омборхонасига олиб бориладди. Ушбу диссертация ишида эса бу ишни амалга ошириш учун таклиф қилинаётган янги қурилманинг принципиал схемаси ва бу қурилмада урани танлаб эритиш майдонлари тупроқларининг рекультивациясини амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Турли радионуклидлар - ^{238}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва уларнинг урани танлаб эритишнинг ҳар хил режимларидаги ўзларини тутиши таҳлил қилинган.

1-расмда келтирилган схеманинг ишлаш принципи қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади. ^{238}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{232}Th , ^{226}Ra - радионуклидлари билан ифлосланган тупроқ (1) бункерга солиниб насос (8) ёрдамида сув бакидан (6) 1:3 нисбатдаги қаттиқ қисм устига сув солинади, сўнгра сульфат кислотали (7) бакдан 10 г/л концентрацияли H_2SO_4 эритмаси кўшилади. Бункер(1)га юкланган К:С ҳолатдаги 1:3 нисбатдаги аралашма бир соат мобайнида аралаштирилади.



1-расм. Радионуклидлар билан ифлосланган урани ер остида танлаб эритиш майдонларида рекультивация ўтказиш жараёнининг принципиал схемаси

Аралаштириш жараёни тугагандан сўнг ҳосил бўлган пульпани оқиб тушувчи суюқликни йиғиб олувчи тагликка эга фильтрга (2) йўналтирилади, (2) фильтр юзасида йиғилган қаттиқ масса яна бир марта сув билан ювиш учун (1) бункерга йўналтирилади ва яна бир соат мобайнида аралаштирилиб,

суяқ қисми (5) сульфат кислотали суяқлик аралашмани йиғиш идишидан иккинчи марта яна бункерга (1) йўналтирилади. Бу жараёнда олинган пульпа яна иккинчи марта оқиб тушувчи суяқликни йиғиб олувчи тагликка эга фильтрда (2) йўналтирилади. Фильтрда ҳосил бўлган қаттиқ масса жараён бошланишидан олдин олинган жойига юборилади, суяқ қисми эса йиғувчидан (5) насос ёрдамида (8) бункерга сўриб олинади ва учинчи марта бункерга (1) қайта ишлатиш учун юборилади. Радионуклидлар билан ифлосланган тупроқларнинг иккинчи партиялари ва кейинги партиялари ҳам худди шу кетма-кетликда дезактивация қилинади.

Урanni танлаб эритиш жараёнида ҳосил бўлган суяқлик 5-6 марта қайта ишлатилгандан кейин, (5) сульфат кислотали йиғинди бункерга (1) йўналтирилади, сўнгра юқори кислотали (pH) га эга бўлган ва радионуклидларга тўйинган суяқлик аралашма (4) идишга йиғилади ҳамда қайта ишлаш учун маҳсулдор эритмаларни қайта ишлаш майдонларига юборилади (ЭҚИМ).

Рекультивациянинг таклиф этилаётган янги усули кам маблағ сарфлаган ҳолда, тупроқларни радионуклидлардан - ^{238}U , ^{234}U , ^{235}U , ^{232}Th , ^{226}Ra тозалайди ва маълум миқдорда кўшимча металл олиш имкониятини яратади.

1-жадвалда уран миқдорини бирламчи ва танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейинги учта параллел намуналарда аниқланган натижалари келтирилган.

1-жадвал

Урanni бирламчи ва танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейинги учта параллел намуналарда аниқланган натижалари


Намуна №	U _{бир.намуна} – (%)	U _{ўр.бир.намуна} – (%)	U _{тан.эр.жар.кей} – (%)	U _{ўр. тан.эр.жар.кей} - (%)
1	0,00371	0,00370	0,00181	0,00184
	0,00369		0,00187	
	0,00370		0,00183	
2	0,00432	0,00432	0,00212	0,00213
	0,00435		0,00210	
	0,00430		0,00218	
3	0,00329	0,00332	0,00162	0,00166
	0,00337		0,00168	
	0,00331		0,00167	
4	0,00289	0,00293	0,00146	0,00145
	0,00294		0,00148	
	0,00295		0,00140	
5	0,00423	0,00421	0,00211	0,00212
	0,00411		0,00214	
	0,00429		0,00210	
6	0,00512	0,00513	0,00258	0,00255
	0,00509		0,00251	
	0,00518		0,00257	

1-жадвалда келтирилган натижалардан кўринадики, ифлосланган тупроқдаги ураннын миқдори ўрта 0,0029% дан то 0,00513% чегарасида

ўзгарар экан. Танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейин бу қийматлар 0,00145% дан то 0,00255% гача ўзгарди. Танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейин олинган барча намуналардаги уран миқдори ўртача 2 мартага камайди.

Ифлосланган тупроқдаги радионуклидларнинг концентрациясини аниқлаш уларнинг радиофаоллик катталигини ва чиқиш энергиясини кимёвий идентификация қилиш асосида аниқланади.

Радионуклидлар билан ифлосланган тупроқ бирламчи намуналарнинг ва танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейин олинган намуналарнинг кимёвий таркиби ярим миқдорий рентгенофлуоресцент усулида тадқиқ қилинди 2-расмдаги спектр. 2-расмда келтирилган боғлиқликдан кўринадики, тупроқдаги энг асосий тупроқ ҳосил қилувчи элемент– SiO₂ экан.



2-расм. Тупроқ намуналаридаги кимёвий элементлар энергиясининг импульслар миқдorigа боғлиқлиги

2-жадвалда 1-расмда келтирилган қурилма ёрдамида радионуклидлар билан ифлосланган бирламчи ва танлаб эритиш жараёни ўтказилгандан кейинги тупроқлар намуналаридаги турли кимёвий элементларнинг ярим миқдорий таҳлилининг рентгенофлуоресцент усули билан аниқланган натижалари келтирилган.

2-жадвалда келтирилган натижалардан кўринадики, аксарият кимёвий элементлар-Al, Fe, Ti, Ca ва S танлаб эритиш жараёнида бирламчи (1, 2, 3) намуналардагига нисбатан қайта ишланган намуналарда ўртача икки марта камаяр экан (1*, 2*, 3*). Баъзи кимёвий элементлар-K, Mn, Sr ва ҳоказоларнинг концентрацияси танлаб эритиш жараёнида ўзгармайди.

3-жадвалда эквивалент доза қувватининг ўлчанган натижалари, табиий радионуклидларнинг солиштирма активлиги- ²²⁶Ra, ²³²Th, ⁴⁰K, солиштирма эффектив активлиги-A_{эфф} ва қайта тикланган тупроқлардан сизиб ўтган сувнинг pH кўрсаткичлари натижалари келтирилган.

Турли кимёвий элементларнинг бирламчи ва қайта ишлангандан кейинги намуналардаги ярим микдорий таҳлили натижалари

Элемент-лар	Бирламчи намунадаги концентрация(%)			Қайта ишлангандан кейинги намуналардаги концентрация, (%)		
	1	2	3	1*	2*	3*
Al	3,4	3,2	3,0	2,0	2,0	1,8
Fe	2,3	2,6	2,8	1,6	1,8	1,6
Ti	0,31	0,28	0,29	0,13	0,11	0,14
Ca	0,98	0,81	0,92	0,64	0,61	0,58
S	0,65	0,58	0,71	0,40	0,38	0,43
K	2,3	2,1	2,4	2,4	2,3	2,1
Mn	0,042	0,047	0,040	0,044	0,045	0,042
Sr	0,014	0,018	0,013	0,012	0,014	0,011
Zn	0,013	0,019	0,014	-	-	-
V	0,012	0,016	0,013	-	-	-
Cr	0,012	0,021	0,018	-	-	-
SiO ₂	73,2	74,1	70,9	68,8	69,4	69,1

3-жадвалдан кўринадикки, олинган тупроқлардаги гамма-нурланишнинг экспозицион доза қуввати, солиштирама эффектив фаоллик- $A_{эфф}$ га тўғри пропорционал ва уран радиофаол емирилиш занжиридаги асосий гамма-нурланиш манбаси ҳисобланган ^{226}Ra радионуклидининг солиштирама активлигига ҳам шундай боғлиқ экан.

Эквивалент доза қувватининг ўртача қийматлари, табиий радионуклидларнинг солиштирама активлиги- ^{226}Ra , ^{232}Th , ^{40}K , солиштирама эффектив активлиги- $A_{эфф}$ ва қайта тикланган тупроқлардан сизиб ўтган сувнинг рН кўрсаткичлари натижалари

Намуна №	Олинган жой	ЭДҚ, (мкР/соат)	Намуналар солиштирама фаоллиги, (Бк/кг)				Сизиб ўтган сувнинг рН кўрсаткичи
			K^{40}	Ra^{226}	Th^{232}	$A_{эфф}$	
1	(0-25 см)	29,3-15,6	473	705	8	752	7,52
	(25-50 см)		603	417	25	504	7,97
	(50-75 см)		460	270	19	336	7,83
	(75-100 см)		509	243	25	322	7,79
2	(0-25 см)	19,3-15,1	445	406	17	467	8,10
	(25-50 см)		529	169	22	245	8,22
	(50-75 см)		563	110	29	199	7,43
	(75-100 см)		558	57	22	136	8,69
3	(0-25 см)	840,1-343,1	2282	21020	288	21602	7,52
	(25-50 см)		2200	13010	183	13447	7,41
	(50-75 см)		1932	8609	161	8993	7,22
	(75-100 см)		369	8756	25	8822	7,54
4	(0-25 см)	60,1-33,5	273	829	6	861	5,46
	(25-50 см)		105	1534	0	1543	4,25
	(50-75 см)		343	1348	15	1399	4,00
	(75-100 см)		180	1492	6	1516	3,97

5	(0-25 см)	60,6-44,2	562	1249	19	1324	5,96
	(25-50 см)		384	1504	16	1560	3,71
	(50-75 см)		383	1088	17	1145	3,60
	(75-100 см)		323	1173	6	1210	3,73
6	(0-25 см)	47,6-38,2	576	911	22	992	4,05
	(25-50 см)		458	922	15	983	6,96
	(50-75 см)		495	1152	12	1212	6,76
	(75-100 см)		513	1174	3	1224	4,97


Сизиб ўтган сувнинг рН кўрсаткичи кучли кислотали муҳитдан то нейтрал муҳит қийматигача ўзгариб, у 3,60 дан 8,69 гача бўлган қийматни ташкил қилади. Табиий радионуклидларнинг - ^{226}Ra , ^{232}Th , ^{40}K солиштирма фаолликлари қийматлари ҳам кенг диапазонда ўзгаради яъни ^{40}K - 105 Бк/кгдан 2282 Бк/кггача, ^{226}Ra - 57 Бк/кг дан 21020 Бк/кггача ва ^{232}Th - 8,0 Бк/кг дан 288 Бк/кггача. Солиштирма эффектив фаоллик 136 Бк/кг дан 21602 Бк/кг гача табиий радионуклидларнинг солиштирма фаолликларига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Кимёвий реагентларни иктисод қилиш мақсадида урани танлаб эритиш жараёнида рекультивация учун қўлланилган реагентларнинг қайта ишлатиш имконияти тадқиқ қилинди. Бунда H_2SO_4 кислота концентрацияси 10 г/л дан 40 г/л гача бўлган тўрт хил режимда эксперимент ўтказилди ва реагентларни қайта ишлатиш жараёнида уларни уран ионлари билан тўйиниш графиги ясалди.

Шу график 3-расмда келтирилган. 1,2,3,4 эгри чизиклар 10, 20, 30, 40 г/л концентрацияли сульфат кислотасининг олти марта қайта фойдаланиши ўзгаришининг танлаб эритилган уран ўзгаришига боғлиқлигини ифодалайди.

Чизилган боғлиқликдан кўринадики, H_2SO_4 концентрацияси қанча кўп бўлса, танлаб эритиш жараёни шунча интенсив кечади.

Ўтказилган тадқиқотда аниқландики, H_2SO_4 кислотасини олтинчи марта қайта ишлатганда, у максимал тўйинади ва такрорий фойдаланиш танлаб эритишда кутилган натижани бермайди. Бу ҳолатда танлаб эритиш жараёнида деярли рўй бермайди.



3-расм. H_2SO_4 кислотани қайта ишлатишда танлаб эритилган уран микдорининг ўзгариши

Диссертациянинг учинчи бобида “Радиацион – ифлосланган ер ости ва саноат чиқинди сувлари ҳолатининг таҳлили” $\sum\alpha$ ва $\sum\beta$ -фаолликнинг

табий радиоизотоплари концентрациясига боғлиқлиги, радиоизотоп таркиби, шунингдек, радиофаол мувозанат коэффициенти- $K_{рм}$ бузилиши турлича ер ости ва саноат оқава сувлари изотоплари орасида содир бўлиш омиллари кўриб чиқилган. Таҳлил турлича ер ости сувларида $\Sigma\alpha$ -фаолликнинг, меъерий нормадан ($\Sigma\alpha-0,2$ Бк/л, $\Sigma\beta-2,0$ Бк/л) ошганлигини кўрсатади.

Олинган натижалар асосида ер ости сувларидаги $\Sigma\alpha$ ва $\Sigma\beta$ -фаолликнинг ошиш сабабларини аниқлаш имконияти яратилди. Сув намуналаридан олинган курук қолдиқда α - ва β -нурланишлар санок тезлигини ўлчаш учун паст фонли метрологик аттестацияланган УМФ-2000 радиометри қўлланилди.

4-жадвалда радиацион-ифлосланган ишлаб чиқариш корхоналари кузатув жойларидан олинган турлича сув намуналарининг радиохимик таҳлиллари натижалари келтирилган.

Олинган натижалардан кўринадики, йиғинди $\Sigma\alpha$ ва $\Sigma\beta$ -фаоллик қийматлари ер усти сувлари 1,2,3,4,5,6 намуналарида, ичимлик сувлари учун ўрнатилган меъёр даражасида $-\Sigma\alpha\leq 0,2$ Бк/л ва $\Sigma\beta\leq 2,0$ Бк/л экан. Ер ости сувлари 7,8 намуналарида ўрнатилган меъёр даражасидан катта $\Sigma\alpha$ -фаоллик қиймати топилган. Бу сув намуналарида ўтказилган таҳлиллардан радиофаол мувозанат коэффициенти- $K_{рм}$ бузилиши уран $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари нисбатига боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки ^{234}U изотопининг солиштирма фаоллиги – $2,3\cdot 10^8$ Бк/л ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида сув намуналари таркибида ^{234}U изотопи миқдорининг бироз ошиши радиофаол мувозанатнинг бузилишига ва бу бузилиш $\Sigma\alpha$ -фаоллик қийматининг ошишига олиб келишини исботлайди.

4-жадвал

Радиацион ифлосланган ишлаб чиқариш корхоналари кузатув жойларидан олинган турлича сув намуналарининг радиокимёвий таҳлиллари натижалари


Намуна №	Ҳажмий солиштирма фаоллик, Бк/л				Йиғинди ҳажмий солиштирма фаоллик, Бк/л	
	U-238	Ra-226	Th-232	Po-210	α -нурланиш	β -нурланиш
<i>Ер устисувлари</i>						
1	0,76	0,016	0,18	0,013	$0,17 \pm 0,07$	$0,50 \pm 0,11$
2	0,81	0,019	0,26	0,016	$0,18 \pm 0,09$	$0,57 \pm 0,14$
3	0,73	0,014	0,16	0,008	$0,18 \pm 0,08$	$0,54 \pm 0,12$
4	0,78	0,024	0,23	0,017	$0,19 \pm 0,07$	$0,53 \pm 0,12$
5	0,53	0,020	0,28	0,024	$0,19 \pm 0,10$	$0,47 \pm 0,10$
6	0,58	0,032	0,37	0,052	$0,20 \pm 0,10$	$0,32 \pm 0,10$
<i>Ер ости сувлари</i>						
7	0,91	0,024	0,22	0,010	$0,32 \pm 0,12$	$2,61 \pm 0,47$
8	0,98	0,014	0,18	0,008	$0,42 \pm 0,15$	$3,68 \pm 0,53$

Қуйидаги 4 ва 5-расмларда, ер усти ва ер ости сув намуналарида солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаолликнинг ^{234}U изотопи концентрациясига боғлиқлик графиклари келтирилган.


Табий сувларининг изотоп таҳлилининг ўтказишдан олдин уларни радиокимёвий тайёрлаш, сув намуналарда уран изотоплари- ^{234}U , ^{235}U , ^{238}U

концентрациясини бойитиш, халакит берувчи радионуклидлар ва темирни экстрацион ажратиш, электролитик усулда санок намунаси тайёрлаш керак бўлади.

Урани электролитик усулда чўктириш учун зангламас пўлатдан ясалган коррозияга чидамли подложка олинади. Ураннинг барча изотоплари- ^{234}U , ^{235}U , ^{238}U радиоактивий тайёрлаш жараёнида ўзларини бир хил тутуди, бир хил ажралади ва бир хилда чўкади.



4-расм. Ер усти сув намуналаридаги солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаолликнинг ^{234}U изотопи концентрациясига боғлиқлик графиги




5-расм. Ер ости сув намуналаридаги солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаолликнинг ^{234}U изотопи концентрациясига боғлиқлик графиги

Келтирилган 4 ва 5-расмлардан кўриниб турибдики, ер усти ва ер ости сув намуналарида солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаолликнинг қиймати ^{234}U изотопи концентрациясига боғлиқ экан. Сув намуналаридаги уран $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари ўртасидаги радиофаол мувозанат коэффициенти- $K_{\text{рм}}$ бузилиши уран ^{234}U изотопи концентрациясига боғлиқ ҳолда сув намуналарининг солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаоллик қийматини ҳамоширар экан.

4-расмда ер усти сувлари намуналаридаги уран ^{234}U изотопи концентрацияси қиймати 45 мкг/гдан 50 мкг/гга ошганда 1-чизик, бу сув намуналарининг солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаоллик қиймати пропорционал тарзда 0,12 Бк/лдан 0,18 Бк/лга ошган. Худди шундай 4-расмда ер усти сувлари намуналаридаги уран ^{234}U изотопи концентрацияси қиймати 49 мкг/гдан 58 мкг/гга ошганда 2-чизик, бу сув намуналарининг солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаоллик қиймати пропорционал тарзда 0,13 Бк/лдан 0,19 Бк/лга ошган.

Келтирилган 5-расмда эса ер ости сувлари намуналаридаги уран ^{234}U изотопи концентрацияси қиймати 50 мкг/гдан 90 мкг/гга ошганда 1-чизик, бу сув намуналарининг солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаоллик қиймати пропорционал тарзда 0,18 Бк/лдан 0,32 Бк/лга ошган. Уран ^{234}U изотопи концентрацияси қиймати 65 мкг/гдан 120 мкг/гга ошганда 2-чизик, бу сув намуналарининг солиштирма $\Sigma\alpha$ -фаоллик қиймати пропорционал тарзда 0,19 Бк/лдан 0,34 Бк/лга ошган. 4 ва 5-расмлардан яна шу нарса кўринадикки, ер ости сувлари намуналарида уран ^{234}U изотопи концентрацияси ер усти сувлари намуналаридаги уран ^{234}U изотопи концентрациясидан юқори экан.



6-расм. Ер усти ва ер ости сув намуналаридаги солиштирма йиғинди β -фаоллик қийматининг ^{40}K изотопи миқдорига боғлиқлик графиги

Келтирилган 6-расмда, ер ости ва ер усти сувларида $\Sigma\beta$ -фаолликнинг ^{40}K ўртача концентрациясига боғлиқлик графиги келтирилган. Бундан кўринадики, сувдаги $\Sigma\beta$ -фаоллик катталиги асосан ^{40}K изотопининг солиштирма β -активлиги ҳисобига ошар экан. Бундан ташқари, сув намуналари таркибида ^{40}K изотопи концентрацияси қанча кўп бўлса, намунанинг $\Sigma\beta$ -фаоллиги шунча юқори бўларкан.

Урanni гидрометаллургик услубда қайта ишлаганда фойдали компонент ажратиб олингандан кейин жуда катта миқдорда саноат оқава сувлари ҳосил бўлади. Саноат чиқиндилари сақланувчи омборларга ташланувчи бу саноат оқава сувлари таркибида кўплаб кимёвий ва радиацион ифлослантувчи компонентлар мавжуд булади.

Қуйидаги 5-жадвалда саноат оқава сувлари таркибидаги кимёвий ифлослантувчи компонентларнинг тўлиқ кимёвий таҳлили натижалари келтирилган.

5-жадвал


Саноат оқава сувлари таркибидаги кимёвий ифлослантувчи компонентларнинг тўлиқ кимёвий таҳлили натижалари

Намуна	КАТИОНЛАР, мг/дм ³						
	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺ +K ⁺	Fe ³⁺	NH ₄ ⁺	Σ	
1	205,4	136,8	911+10,6	<0,05	0,6	1264,4	
2	214,4	142,3	918+10,8	<0,05	0,5	1286,1	
3	380,8	245,6	2440+27,5	0,13	1,5	3095,5	
	АНИОНЛАР, мг/дм ³						
	CO ₃ ²⁻	HCO ₃ ⁻	SO ₄ ²⁻	Cl ⁻	NO ₂ ⁻	NO ₃ ⁻	Σ
1	0,02	247,1	1096,9	1223,0	0,001	2,1	2569,2
2	0,04	250,2	1107,6	1254,9	0,003	3,7	2616,5
3	12,0	521,1	4832,2	1288,4	0,002	11,8	6665,5


5-жадвалдаги натижаларидан кўринадики, саноат оқава сувлари курук чўқиндиси, катионлар ва уларнинг йиғиндиси, анионлар таркиби ва уларнинг йиғиндиси, уларнинг қаттиқлиги табиий сувлардагига нисбатан юқори.

Диссертациянинг «Техноген объектлар хавосида радиацион омилларни баҳолаш ва радиацион хавфсизлик таъминоти» IV бобида радиацион ифлосланган техноген объектларда - ўртача экспозицион доза қиймати - ЭДҚни аниқлаш, узок яшовчи альфа нуклидлар – УЯАН, радоннинг

мувозанатдаги ҳажмий активлигига эквивалент қиймати–РМХАЭЖ катталикларини аниқлашнинг радиометрик таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга қўллаш ва йиллик эффе́ктив доза қийматларни ҳисоблаш натижалари келтирилган.



7-расм. Аҳоли учун ўртача –ЭДҚнинг 2011-2015 йиллар ичида ўзгариши




8-расм. Аҳолининг чегараланган қисми учун ўртача – ЭДҚнинг 2011-2015 йиллар ичида ўзгариши

Олиб борилган 2011-2015 йиллардаги ўлчашлар асосида ва ўртача экспозицион доза қиймати - ЭДҚни ҳар бир объект учун ўрнатилган меъёрга нисбатан ўзгариши 7-расм (аҳоли), 8-расм (аҳолининг чегараланган қисми учун) ва 9-расм (ходимлар учун) гистограммаси чизилди.

Барча бешта кузатиш нуқталарида ЭДҚнинг қиймати сезиларли ўзгармайди ва ҳамма пайт ўрнатилган меъёрдан паст.

Келтирилган боғлиқликлардан кўринадики, техноген объект кузатиш жойларида яққол аномал радиацион таъсир кўрсатмайди.

7-расмда ҳам тадқиқот бешта кузатув нуқтасида аниқланган ва бу жойлардаги 1, 3, 5 натижалар ўзаро бир-биридан катта фарқ қилмайди, 2 ва 4 нуқталарида эса, 1, 3, 5 нуқталаридагига нисбатан катта лекин ўрнатилган меъёрдан ҳамма вақт кичик. 2 ва 4 кузатиш нуқталари ифлосланиш манбасига яқин бўлганлиги учун ЭДҚнинг ўртача қуввати 1,3,5 нуқталарига нисбатан катта. Бу эса, техноген объектнинг таъсири масофага боғлиқлигини кўрсатади.



9-расм. Персонал учун ўртача – ЭДҚнинг 2011-2015 йиллар ичида ўзгариши

9 - расмда кўрсатилганидек, тадқиқот учун 5 та кузатув нуқтаси олинган. Барча 5 та кузатув нуқталарида қийматлар ўзаро фарқ қилмайди ва ўрнатилган меъёрдан ҳамма вақт кичик. Техноген таъсирлар техноген объект худудида чегараланади. Келтирилган маълумотлардан кўринадики, ишчи-ходимлар радиацион таъсирдан ишончли ҳимояланган.

ХУЛОСА

Назарий асослар ва ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидаги натижалар олинди:

1. Радиоэкологик масалаларни радиометрик ва гамма-спектрометрик усулда ечиш мақсадида радиофаол элементлар - ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra , ^{40}K концентрацияси ҳамда турли техноген объектлар ва кузатув худудлари тупроқларидан олинган намуналардаги радионуклидларнинг солиштирма фаоллиги билан изоҳланади.

2. Кимёвий элементлар радионуклидларининг - ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra , ^{222}Rn , ^{40}K ўзига хослигини тадқиқ қилиш асосида, экотизимни ва мутахассисларни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсирдан асосли ҳимоя қилиш имкониятини берадиган уранни ер остида танлаб эритиш майдонлари тупроқларини рекультивация қилишнинг янги схемаси ишлаб чиқилди ва амалиётда тавсия этилган.

3. Саноат оқава сувларида ^{40}K , ^{238}U , ^{234}U , ^{232}Th , ^{226}Ra ва ^{222}Rn кимёвий элементлар радионуклидларининг химизми ва тарқалиши тадқиқоти асосида ер ости сувларини ифлосланишини прогнозлаш имконини беради.

4. Сувнинг истеъмолга яроқлилиги - радиацион кўрсаткичини аниқлашга имкон берувчи, сувнинг йиғинди солиштирма альфа-активлигининг ^{234}U изотопи миқдори ва бета-активлигини ^{40}K изотопи миқдорига ўзаро боғлиқлиги топилди.

5. Табiiй ва техноген жараёнлардаги уран изотоплари $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ орасидаги радиофаол мувозанат коэффициенти - $K_{\text{рм}}$ бузилишини аниқлаш мақсадида ер ости сувларидаги ураннинг изотоп таркиби ^{238}U , ^{235}U ва ^{234}U ни аниқловчи оддий, тезкор ва арзон усул ҳисобланган юқори сезувчан альфа-спектрометрик усул такомиллаштирилди ва тавсия этилган.

6. Ўртача ЭДҚ қийматларининг 2011-2015 йиллар давомидаги ўзгаришини аҳоли, аҳолининг чекланган қисми ва мутахассислар учун ўрнатилган меъёр талабларига мослигини баҳолаш график боғлиқлиги чизилган.

7. Истеъмол мақсадида ишлатиш учун радиацион кўрсаткич - аралаштириш даражасини баҳоламасдан туриб, турли табiiй ер ости сувларидаги ^{222}Rn радоннинг дегазация вақти топилди.

8. Олинган ишончли эффектив доза қийматлари асосида ишчи-ходимлар йил давомида оладиган индивидуал йиллик эффектив доза қийматини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва мутахассислар ротацияси таъминланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ НАВОЙСКИЙ
ГОРНО-МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИЙ КОМБИНАТ
НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ**

АЛЛАБЕРГАНОВА ГУЛЧЕХРА МАШАРИПОВНА

**ОЦЕНКА ВЕЛИЧИН ФАКТОРОВ РАДИАЦИОННО-ЗАГРЯЗНЕННЫХ
ПРОИЗВОДСТВ И ИХ ТЕХНОГЕННОГО ВЛИЯНИЯ НА
ЭКОСИСТЕМУ**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2019.3.PhD/K253 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте и Навоийском горно-металлургическом комбинате.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Турабджанов Садритдин Махаммадинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор
Салиханова Дилноза Саидакбаровна
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: Бухарский инженерно-технологический институт


Защита состоится «28» 11 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научном совете DSc 03/30.12.2019.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Навоий, 32. Тел: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17, E-mail: info@tkti.uz).


Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №___, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, ул. Навоий, 32. Тел: (+99871) 244-79-20.

Автореферат диссертации разослан «18» 11 2020 г.
(протокол рассылки № 8 от 18.11 2020 г.).




Х.Л.Пулатов
Председатель Ученого совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент


Ф.Б.Игитов
Ученый секретарь Ученого совета по
присуждению учёных степеней, PhD


К.Г.Мухамедов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире растёт потребность в энергоносителях, запасы которых в недрах истощаются быстрыми темпами. Одним из главных энергоносителей, имеющих большие запасы на земле и перспективность развития применения в будущем, является радиоактивный элемент – уран. Уран является основной составляющей стратегического продукта, применяемого для получения ядерного топлива. Имеет важное значение совершенствование технологии получения и увеличения объёма данного элемента с эффективным использованием современных методов контроля этих процессов.

На сегодняшний день рациональное использование природных ресурсов, усовершенствование и применение радиометрических методов оценки величин радиационных факторов техногенных объектов, исследование возможности контроля радиэкологического состояния уранового производства на основе анализов значений мощности экспозиционной дозы – МЭД гамма-излучений в техногенных объектах, усовершенствование высокочувствительного альфа-спектрометрического метода определений изотопов урана (^{234}U , ^{235}U , ^{238}U) в подземных водах при техногенном влиянии в природных процессах для раскрытия механизма нарушения коэффициента радиоактивного равновесия- K_{pp} необходимо для увеличения достоверности радиационного контроля и обоснованность научных решений по уменьшению техногенного влияния производства урана на окружающую среду.

На сегодняшний день в Узбекистане достигнуты определённые результаты по теоретическому и практическому применению экономичных и экологически безопасных технологий геотехнологического процесса добычи и гидрометаллургического процесса переработки всего добываемого урана. В четвёртом направлении Стратегии действий развития Республики Узбекистан намечены важные задачи «по обеспечению экологической безопасности населения, построения и модернизации комплексов переработки бытовых отходов, укрепление их материально-технических баз.....»¹. В этом отношении, важны научные исследования по оценке величин факторов радиационно-загрязнённых производств и их техногенного влияния на экосистему.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении и Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»¹, ПП-3983 от 25 сентября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики

¹Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

Узбекистан», и УП РУз от 30 октября 2019 года «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года».

Связь исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данная исследования выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике IV. «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

Степень изученности проблемы. Анализ литературных источников показывает, что вопросами оценки величин факторов радиационно-загрязнённых производств и их техногенного влияния в экосистему занимались ученые Yu. Odum, A.H. Sparrow, G.M. Vudvell, S. Rassel, J. Sahdells, C.U. Ayerbaх, G.V. Bleylok, S.S. Shvarts, J.M. Anderson, R.Riklеfs, Л.П. Рихванов, В.Н. Мясоедов, А.М. Кузин, А.А. Передельский, В.М. Клечковский, Н.В. Тимофеев-Рисовский, Ф.А. Тихомиров, Р.М. Алексахин, Ю.Б. Искандаров, Т.М. Муминов, А.А. Кист, Р.А. Кулматов, С.М. Турабджанов, Г.С. Саттарови другие. Но вопросы радиоэкологических состояний на участках ПВ урана, в хвостохранилищах отработанных ураносодержащих отходов, вероятность загрязнения подземных вод радионуклидами, варианты рекультивации отработанных участков ПВ урана загрязнённые радионуклидами, $\sum\alpha$ и $\sum\beta$ -активности природных вод, нарушение радиоактивного равновесия- K_{pp} между $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ в подземных водах, изменение мощности экспозиционной дозы гамма-излучений-МЭД в техногенных объектах, концентрации долгоживущих альфа-нуклидов-ДАН, значения эквивалентной равновесной объёмной активности радона-ЭРОА и проведения комплексного мониторинга факторов радиационно-загрязнённых производств, которые до настоящего времени детально не исследованы для данного объекта исследований.

Причины нарушения коэффициента радиоактивного равновесия- K_{pp} между изотопами $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ уранав подземных водах, а также связьв природных водах $\sum\alpha$ -активности с концентрацией ^{234}U и $\sum\beta$ -активности с концентрацией ^{40}K изучена недостаточно.

Связь темы диссертационной работы с научно-исследовательскими работами, где выполнена диссертация. Основы диссертационной работы составляет результаты исследований отобранных проб из природных и техногенных объектов Навоийского региона и выполнен при непосредственном участии автора с 2008-2018 гг. в соответствии с тематическим планом государственной научно-технической программы Государственного Комитета по координации и развитию науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан по теме: ГНТП-13-113 – «Разработка ядерно-физических методов контроля процесса извлечения ценных металлов из технологических отходов производства», 2006-2008 гг., ГНТП-7 - «Исследование природно-техногенных условий Навоийского региона и разработка интерактивных приёмов обучения студентов естественных специальностей», 2009-2011 гг.,

ВА-12-011 «Разработка высокоэффективной безотходной технологии получения из низкосортных фосфоритов химически чистых фосфатов аммония и кальция с попутным извлечением редкоземельных элементов», 2017-2018 гг.

Целью исследования является оценки величин факторов радиационно-загрязненных производств и их техногенного влияния на экосистему.

Задачи исследования. Для достижения цели потребовалось решение следующих задач:

- исследование методических и метрологических характеристик химического, радиохимического, ядерно-химического и инструментального радиационного анализа природных и техногенных объектов;

- усовершенствования и внедрение радиометрических методик определения величин радионуклидов для определения радиационных факторов в техногенных объектах;

